Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Франция иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг Давлат маслаҳатчиси Кристиан Пьеррени қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур ташриф Франция ҳукуматининг Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат эканини айтди. Ислом Каримов мамлакатимизда француз ҳамкорлар билан алоқалар истиқболининг порлоқ эканлигига ишонч катталигини ҳам таъкидлади.

— Икки томонлама муносабатлар жадал ривожланмоқда, — деди жумладан Президент. — Айниқса сўнгги тўрт йил ичида катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1994 йилда 12 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 170 миллиондан ошди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — Франция муносабатлари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Француз ҳамкорлар, айниқса, қурилиш, аэропортларни замонавий техника билан жиҳозлаш, нефтьгаз саноати иншоотларини барпо этиш борасидаги қатор лойиҳаларда иштирок этмоқда. Шу кунгача мамлакатимизда Франциядан тўғридан-тўғри сармоя сифатида 140 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган. Яқин вақт ичида эса яна 470 миллион долларлик сармояни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. У халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларини қамраган лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланади.

Учрашувда К. Пьерре мамлакатимиз раҳбарига Франция Президенти Жак Ширакнинг мактубини топширди. У Францияда Ўзбекистон билан муносабатларни чуқурлаштириш масаласига катта аҳамият берилаётганини таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабулда Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Клод Ришар ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 12 июнь, шанба • № 69 (24.464). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг улкан ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз туфайли мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт катта тараққиёт босқичига кўтарилди, унинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, халқаро спорт анжуманларида ўзбекистонлик спортчилар эришаётган ютуқлар салмоғи йил сайин ошиб бормоқда.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун, «Соғлом авлод учун» давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратиб берди.

Сизнинг ташаббусингиз билан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори давлатимизнинг миллатни соғломлаштириш борасидаги ғамхўрлигининг яна бир ёрқин исботи бўлди. Қарор вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар, жамоат ва спорт ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари раҳбарлари учун мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда дастуриламалга айланади.

Бу қарор — мустақиллик йилларида биринчи марта қабул қилинган, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришнинг барча масалаларини комплекс ҳал қиладиган тарихий ҳужжатдир. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, жисмоний тарбия ва спортни халқимизнинг кундалик ҳаётига оммавий жорий қилишга, ёшларимизнинг жиноятчилик, ақидапарастлик ботқоғига ботишларига йўл қўймасликка, барча жойларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратишга, юқори маҳоратли спортчилар, азамат полвонлар тайёрлашга ва халқаро спорт майдонида янги зафарларга эришишга хизмат қилади.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги ғамхўрлигингиз ва эътиборингизга жавобан Сизга Ўзбекистон жисмоний тарбия ҳаракатини янада юқори чўққига кўтаришга, маънавий ва жисмонан баркамол, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарорини, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Концепцияси ва Давлат дастурини оғишмай ва пухта бажариш учун барча куч, билим ва тажрибамизни ишга соламиз, деб ваъда берамиз.

Сизга Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган тинимсиз меҳнатингиз учун сидқидилдан миннатдорлик изҳор этиб, келажаги буюк давлат раҳбаридек масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган Республика кенгаши иштирокчилари.

Бош қомус — тарихий ҳақиқат кўзгуси

Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бош таҳрир ҳайъатининг, фан соҳалари бўйича ташкил этилган илмий маслаҳат кенгашларининг аъзолари, муаллифлар, йирик олимлар ва ноширлар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Бош таҳрир ҳайъатининг аъзоси Ҳ.Кароматов олиб борди.

Бош қомус илк жилдини яратиш жараёнлари хусусида Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти директори Н.Тўхлиевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, Бош қомус — миллий қиёфа, тарихий ҳақиқат демакдир. Яратилажак қомуснинг мафкураси ва ғояси бугунги ёки эртанги кун сиёсатига эмас, балки халқимизнинг руҳиятига мос бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир бобини бекаму кўст яратишда барча зиёлиларимиз ҳамфикр, ҳаммаслак иш олиб бормоқда. Шарқ фалсафаси, дини, адабиёти, санъати, маданияти, тарихи, буюк шахслари ҳаёти ва фаолияти устида ўтказилаётган тадқиқотлар хулосасига оид ҳар бир фикр қайд этилиб, чуқур таҳлил қилинмоқда, ўрганилмоқда. Халқимизнинг меъморчилик санъати, мусиқачилиги тарихи, ҳуқуқшунослик илми, шунингдек иқтисод, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ишлари чуқур илмий изланишларни талаб этади.

Баҳс-мунозаралар шуни кўрсатдики, тарих қатламларида ўзбек халқининг ўтмиши, чинакам ҳаёти, бой маданий-маънавий меросига оид ҳали ўрганилмаган саҳифалар кўп. Уларни адолат тарозисига солиб, миллий ва умумбашарий мезонлар билан ўлчаш, тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш олимларимизга катта масъулият юклайди. Шу боис ҳар бир мавзуга астойдил ёндошилмоқда. Йиғилишда билдирилган таклифлардан келиб чиқиб соҳа олимлари олдига тегишли мавзуларга ойдинлик киритиш масаласи қўйилди, тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё, А.Мансуров сўзга чиқди.

(ЎзА)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ВЕНГРИЯ

Болтиқбўйи мамлакатларининг НАТОга қўшилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини Венгрия қўллаб-қувватлайди. Мамлакат Бош вазири Виктор Орбан латвиялик ҳамкасби Вилис Криштопанос билан учрашувда шуни маълум қилди.

Учрашувда икки мамлакат ҳукумат бошлиқлари барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш ва Косово можаросини бартараф этиш борасида фикр алмашди. Латвия Бош вазири В. Криштопанос айни пайтдаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликдан кўнгли тўлмаётганини айтиб, Латвия билан Венгрия ўртасида савдони эркинлаштириш, сармоя жалб қилиш ва ҳимоялаш борасида битим имзоланиши лозимлигини қайд этди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилган эди.

АҚШ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига Сьерра-Леонедаги БМТ миссияси кузатувчилари мандатини олти ойга, яъни 1999 йилнинг 13 декабригача узайтириш ҳақида таклиф киритди. Бунга сабаб Африканинг мазкур мамлакатида ҳамон беқарорлик сақланиб турганидир.

Сьерра-Леонеда 1991 йилдан буён ҳукумат билан қўзғолончилар ўртасида келишмовчиликлар давом этиб келаётир. Можародан тинч аҳоли кўп жабр кўрмоқда. Қарамақарши гуруҳларни муросага чақириш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар самарасиз якунланмоқда.

ПОКИСТОН

Парламент аъзолари бир овоздан Кашмир муаммоси туфайли Ҳиндистон билан юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш борасидаги музокараларни давом эттиришга хайрихоҳлик билдирди. Депутатлар икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг учрашувини ўтказиш зарурлигини ҳам қайд этди.

Шу кунларда Ҳиндистон билан Покистон ўртасида Кашмир муаммоси туфайли жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Покистон бир неча ўн йилдан буён Кашмирга мустақиллик берилишини талаб қилади. Ҳиндистон эса ушбу ўлкани қўлдан чиқариш ниятида эмас.

Президент асарларининг билимдонлари

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Андижон вилоят бўлими ташаббус кўрсатди. Президент асарларини ўрганишни кенг тарғиб қилиш, юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган долзарб ғояларни ёшлар онгига етказиш мақсадида «Президент асарлари билимдонлари» кўрик-танловини уюштирди. Танловда олий ва ўрта махсус билим юртлари вакиллари қатнашдилар. Олдиндан белгиланган шартларга мувофиқ беллашувлар қизғин тус олди. Ғолибларнинг Президент асарлари бўйича ёзган иншолари, тезкор жавоблари, ёшлар ҳаётига доир саҳна кўринишлари тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлигини кўрсатди.

Беллашувларда Андижон давлат тиллар педагогика институти, Андижон давлат университети, тиббиёт институти талабалари пешқадам бўлдилар. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига кирувчи ўқув юртлари ўртасида Хўжаобод тиббиёт, Асака ва Андижон муаллимлар билим юртлари вакиллари ғолибликни эгалладилар. Уларга қимматбаҳо совғалар, рағбатлантирувчи мукофотлар тантанали тарзда топширилди. Ушбу тадбирда шу нарса маълум бўлдики, ёшларимиз Президент асарларини севиб ўрганишмоқда.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Имтиҳонсиз киради

Лазизжон Савриев Шофиркон туманидаги 4-мактабнинг битирувчиси. Унинг бошқалардан фарқи шундаки, ҳали мактабни битирмай туриб институтнинг биринчи курс талабаси бўлишга эришди.

Гап шундаки, у республика танлови — «Олимпиада-99»да немис тили фани бўйича иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритган эди. Шу боис энди у юртимиздаги исталган олий ўқув юртининг роман-герман тиллари факультетига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Қаловини топганлар

Ўзбекистондаги кўплаб саноат корхоналари учун зарур бўлган олтингугурт, доломит, гипс тоши, ганч ва бошқа маҳсулотлар чет эллардан катта харажат ва валюта эвазига келтирилади. Яқиндан буён шундай маҳсулотларнинг анчагина қисми Фарғона вилояти Шўрсув шаҳарчасидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарила бошланди. Йил бошидан буён мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига 7300 тоннадан зиёд олтингугурт ва бошқа хомашё маҳсулотлари етказиб берилди. Йил охиригача эса 60 минг тонна гипс тоши, 1000 тонна ганч, 20 минг тонна доломит етказиб бериш режалаштирилган. Корхонада янгиликка, ташаббускорликка интилиш кучли. Масалан, тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юбориш учун корхонага кунига 3 мингта қоп керак бўлади. Бу қоплар эса бошқа корхоналардан сотиб олинар эди. Ишни енгиллаштириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида бу ерда қоп тикиш цехи ташкил этилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Брянск биллур кубоги – Тошкентда

Тошкентда, Олимпия шон-шуҳрати музейида куни кеча Россиянинг Брянск шаҳрида ниҳоясига етган аёллар орасида кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа иштирокчиларидан Ўзбекистон Президентига совға қилинган биллур кубокни музейга топшириш маросими бўлди.

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов кубокни музейга топшираётиб, Брянскда бўлиб ўтган хотин-қизлар орасида кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа спортнинг бу тури жаҳондаги барча мамлакатларда ўз мухлисларини топаётганининг яна бир далили эканини таъкидлади.

Биллур кубокни музейга топшириш маросимида пойтахт спорт жамоатчилиги вакиллари ва Брянскдан келган меҳмонлар иштирок этди.

(ЎзА)

Юртга фойз киргани шу-да...

Саксон ёшли Эшқобил отанинг деганлари

Манзил: Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги Мўминқул қишлоғи

Болам юр, анов тутнинг соясида салқин тортайлик. Пайкалга сув энди ўзи бораверади. Эгатлар боши очиқ. Худо насиб қилса, ҳали кўрасан, қовун-тарвуз зўр бўлади. Кечаси билан бол бойлаб тонг пайти тарса-турс қилиб ёрилиб чиқади. Ҳа, қовун етилса ёрилиб кетаверади. Дори солинмагач, ширин бўлади-да. Ерга ишлов берилгандан кейин деҳқонни ҳосил шошириб қўяди-да.

...Қара қандай салқин. Жоннинг ҳузури. Дала ловуллаб ёнаман дейди-ю, тут остида ҳур-ҳур шамол. Айтайинми, бу, манов тез оқар ариқнинг шамоли. Теварак жизғанак бўлса ҳам соя жойда сув тез ўтса, шамол гуруллаб туради. Қанийди, бир косада муздек чалоп бўлса... Ҳа, майли, пича дамни ростлайлик, кейин уйга борамиз. Момонг чалоп қилиб беради.

Шуйтиб, газетда ишлаяпман де. Умр ҳам манову ариқ сувидек тез оқар экан-да. Тунов куни югургилаб юрган бола эдинг. Катта энанг раҳматлининг орқасидан эргашганинг-эргашган эди. Денов бозорида адашиб кетиб икки кундан кейин топилувдинг. Ҳозир бошқача бўлиб кетди. Оёғи энди чиқиб, атак-чечак бўлиб қолган бола Денов тугул Тошкентниям айланиб келади. Илгари Тошкентга борган одам, эҳ-ҳе, дунё кўрган саналарди. Буни қара, бугуннинг ўзида уйда эрталаб нонушта қилган Дамин тадбиркор Германдан туриб уйига телефон қилипти. Телпониям ғалати, қўлда, ўзи билан бирга олиб юрадиганидан. Қаддини урсин. Юртбошимиз айтганларидай шундай бойлар кўпайса эл-юрт ҳам бойийди. Ҳозир тўй-ҳашам, азаларда у-бу нарса етишмагудай бўлса, элчиликда, шунга ўхшаган бойлар ёрдам қилади. Элимизнинг яхши одати бор. Тўй-азада берилган нарса қарз саналмайди.

Ҳей, ажиб замонлар бўлди. Анови Апсам (Абдусамад демоқчи) тракторчининг сен тенги Хайруллоси Америкада ўқиб келди. Ўтган йили уни телевизорда ҳам кўрдим. Илгари тупканинг туби саналмиш қишлоғимизнинг йигит-қизлари бугун дунёни айланиб юрибди. Авваллари четга чиқиши шу бўлса, йигитлар Россияга, шундаям ҳарбийга чақириларди. Аллақайси Тайга-майгада азобини тортиб, хизматни ўтарди.

Мустақиллик йўли

Олис Сибирда армияни ўтаган йигитларнинг кўпчилиги оёғини совуқ урган... Бугун қара, болаларимиз бағримизда, элимизда, юртимизда, ўлантўшагимизда. Бу катта гап. Ҳей, афғонда байналминал деб, қанчалаб ўғилларимиз ўлимга юборилди. Қанчақанчалаб хонадонларимиз зор-қақшади. Ҳей, гапираман десанг гап кўп. Ичинг оғриб кетади...

Уни қўявер.... Сен эслайсанма, кўрган бўлсаларинг керак. Қишлоқ тепасида, Хўжаи Пок ота дарёсининг ёқасида мачит бўлгуси эди... Қанчалар чўкиб, тўкилиб, хароб ҳолда ётарди. Тавба қилдим, тавба қилдим, мачит бойўғлихона, мушукхонага айланиб кетган эди. Кечалари итлар санғиб, кундузлари мол-ҳол, қўй-қўзилар оёқ ости қиларди. Шу мачит айвонидаги ёғочлар чириб қулади. Уларни дарё суви оқизиб кетди. Мачитни бузиб ўрнига пахта экишди. Одамлар шунчалар эсанкираб, довдираб қолган эди. Ҳей, замонни тушуниб бўлмасди.

Бугун қара, қишлоқнинг қоқ ўртасида ажойиб мачит тикланган. У ерга бориш ихтиёрий. Озода. Тоза... Шу ерда бир гап айтай, айрим ифлос, бузғунчи, жиртакилар мен мусулмонман, номоз ўқийман, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак деб кекирдагини чўзиб, мустақил юртимизга тош отишяпти. Бу энди кўрнамаклик бўлади. Бу энди динсизлик, имонсизликнинг белгиси. Кўрмаганнинг кўргани қурсин, деб шуни айтсалар керак...

Болам, сен шаҳардасан. Тошкентни телевизорда кўриб ҳайратим ошди. Биноларнинг чиройли, ҳашаматлилигини айтмайсанми. Улар мустақиллигимиздан кейин янада кўпайди. Дунёнинг катта-катта давлатларининг катталари Тошкентга келиб Президентимиз билан учрашиб кетаяпти. Шундай пайт юрагим тўлади. Билагимга куч инади. Илоё, Юртбошимизнинг, элимизни дунёга олиб чиққан Инсоннинг умри узоқ бўлсин. Фарзандларининг роҳатини кўрсин.

Яна қара, шу қишлоғимизда одамлар, айрим боқибеғамлар ҳам ерда ишлашни, томорқасидан ҳосил олишни ўрганяпти. Энди ишлаган кам бўлмайди.

Тинчлик бўлсин. Яратган эгам юртимизда тинчтотувликни зиёда этсин.

Болам, мен турай энди. Пайкални бир оралаб чиқай. Насиб қилса, бир ойдан сўнг келсанг Оқноввот қовундан сўйиб бераман. Таъмини айтасан шунда. Кўтарганингча Тошкентдаги ўртоқларингга ҳам олиб борасан. Ҳа, майли, мен турдим.

Эшқобил ота ям-яшил пайкал, сув таралган эгатлари кумушдай ялтиллаган адоқсиз пайкалга йўл олди.

Истиқлол ҳақида одамлар нима дейди, мазмунда нимадир ёзмоқчи эдим. Дилим ёришди. Ҳозиргина Эшқобил ота айтган гапларни қоғозга тушурсам-чи... Содда, тоза, жайдари, ҳақ гаплар!

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Конференциялар — диққат марказида

Партия Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман ташкилотларида конференцияларининг бориши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларининг, шаҳар ва туман партия конференцияларини юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш бўйича, муайян ижобий иш олиб бораётганлиги қайд этилди. Ўтаётган конференцияларда шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари ҳисоботлари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ахборотлари тингланиб, муҳокама этилмоқда, партия ташкилотлари келгуси фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланмоқда, партия кенгашлари ва тафтиш комиссиялари янги таркиблари шакллантирилмоқда, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайланмоқда ва юқори партия органларига вакиллар юборилмоқда. Конференциялар ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ходимлари, тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, корхона раҳбарлари, партия маҳаллий ва марказий сайланма органлари аъзолари, ХДПдан давлат ҳокимияти турли даражадаги вакиллик органларига сайланган депутатлар қатнашмоқдалар. Уларнинг конференциялардаги иштироки мазкур анжуманларни самарали ўтишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Конференциялар иштирокчилари 16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган, фожиали воқеаларни содир этган, бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, террористик ҳаракатларни қатъиян қоралаб, бундай мудҳиш ишларга қўл урганларга нисбатан нафрат билдирмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Олий судида, мамлакат Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланувчи, йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд бошланганлигини мамнуният билан қайд этмоқдалар. Шунингдек, улар Олий Мажлиснинг XIV сессияси қарорларини маъқуллаб, унда қабул қилинган ҳужжатлар мамлакатимизда демократияни ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини янада чуқурлаштириш ишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш сари қўйилган муҳим қадам бўлганлигини таъкидламоқдалар. Делегатлар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессиядаги маърузасининг муҳим ижтимоий-сиёсий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этмоқдалар. Ушбу ҳужжатлар конференцияларда, тегишли йўналишда, ишлаб чиқилаётган амалий чора-тадбирлар режаларида ўз аксини топмоқда.

ХДП хабари

Шуни қайд этиш лозимки, партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов тадбирларини ўтказиш давомида турли хилдаги оммавий-сиёсий иш шаклларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Чунончи, Булунғур ва қатор бошқа партия ташкилотларида конференциялар жараёнида ХДПга янги кирганларга партия билетларини топшириш маросимлари ўтказилди. Асака шаҳар партия конференцияси иштирокчилари ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйдилар, анжуман бошланишида, бу ерда ҳам, мамлакат Давлат мадҳияси янгради. Тошкент шаҳридаги туман партия конференцияларида анжуман иштирокчиларига ХДП эмблемаси тасвир этилган махсус нишон ҳамда «Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти рақамларда» статистик тўпламлари тақдим этилди.

Конференцияларда қилинган маърузалар ва музокараларда коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш ва савдо ташкилотларидаги камчиликлар тўғрисида гапирилди, баъзи корхоналарда иш ҳақи вақтида тўланмаслик ҳоллари учраётганлиги қайд этилди. Партия кенгашлари мазкур танқидий фикр-мулоҳазалар бўйича амалий чоралар кўрилиши учун, уларни тегишли ташкилотларга ҳавола этмоқдалар.

Конференциялар иши «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, партия маҳаллий нашрларида мунтазам ёритиб борилмоқда.

Конференциялар жараёнида партия ишларига оид кўплаб таклифлар тушмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари уларни ҳисобга олиш, тегишли таҳлил ишини ташкил этганлар.

Шу билан бирга, партия кенгашлари эътибори бу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилди ҳамда уларга партия конференцияларини янада юксак савияда ўтказиш учун барча имкониятларни сафарбар этиш вазифаси топширилди. Шу мақсадда, шаҳар ва туман партия конференцияларининг бориши тўғрисидаги масала Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ижроия бюро йиғилишларида кўриб чиқилиши, бунда конференциялар мазмунининг бой бўлишини таъминлаш, уларни пухта тайёрлаш, партия ташкилотларини сиёсий-ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг нуфузини ошириш муаммоларига жиддий эътиборни қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Замонавий иш услубларини эгаллайлик

Кеча Юнусобод туман партия ташкилотининг II конференцияси бўлиб ўтди.

Унинг иштирокчиларининг ўз фаолиятларига одил баҳо ва келгусидаги иш дастури учун муҳим янгиликларни олиш мақсадида тўпланишгани уларнинг юз-кўзларидан сезилиб турарди. Ҳисобот маърузаси қилган Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашининг биринчи котиби Учқун Шойимқулов туман ташкилотининг ҳисобот давридаги ишларини лўнда ва аниқ тилга олиб ўтди.

Унда асосий эътибор замонавий иш услубларини пухта эгаллашга қаратилганини сезиб олиш қийин эмасди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг китоблари ва нутқларига катта эътибор берилди, партия сиёсатини амалга оширишда ва тушунтиришда бунинг методологик томонлари диққатмарказимизда турди. Туман кенгаши юртбошимиз китоблари ва нутқларини кенг ва чуқур ўрганиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш мақсадида 1997 йил 29 августдан бошланғич партия ташкилотларида партиявий ва сиёсий ўқувларни ташкил этди», — деди маърузачи.

Бугина эмас, туман кенгаши ҳар битта амалий конференция, семинар, суҳбат ва маърузаларни ўтказиш бўйича мунтазам равишда услубий қўлланмалар тайёрлади. Биз кўргазмали тарғибот оммавий- сиёсий ишларнинг энг муҳим шаклларидан бири эканлигини яхши биламиз. Мана, тўртинчи йилдирки, туманнинг барча йирик партия ташкилотларида «Партия бурчаклари» ташкил этилган. Шунингдек, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг туман бўлими билан ҳам яқин алоқада иш олиб борилди. Ҳар ойнинг биринчи чоршанбаси туманда Маънавият куни, деб эълон қилинган.

Ёшлар тарбияси, ҳуқуқий маданиятни ошириш, сиёсий фаолликни юксалтириш борасида олиб борилган ранг-баранг тадбирлар аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Туман партия ташкилоти, маъруза ва музокараларда илгари сурилган холис фикрлар, ишлар таҳлили ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, конференцияда ўзининг келгуси даврдаги устувор йўналишларини белгилаб олди. Масалан, партиядан сайланган депутатларнинг ўз депутатлик ваколатини партия ташкилоти ёрдамида ижчил бажаришнинг синалган янги шаклини янада ривожлантириш энг муҳим йўналиш, деб уқтирилди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, аҳоли ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ҳам устувор йўналиш бўлиб қолади.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Конференцияда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши таркибига вакиллар ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи муовини Рустам Қурбонов, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Латиф Ғуломов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Туман партия кенгашининг ташкилий пленумида Учқун Шойимқулов унинг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мафкурада бўшлиқ бўлмаслиги шарт!

Азалдан ҳунарманд усталари билан донг таратган Чустда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожида депсинишлар, айрим соҳаларда эса аввалги натижаларни ҳам бой бериш ҳоллари юз берди. «Туман аҳолиси сезиларли даражада ўсаётган даврда ишчи ўринлари йил сайин қисқараётганини изоҳлаш қийин. Вилоятимизда, қўшни туманларда қўшма корхоналар сони ортиб, улар четга валюта ҳисобига маҳсулот чиқараётган бир пайтда, бу борадаги фаолиятсизлигимиз ачинарли эмасми?

Тумандаги қўшма корхоналар томонидан 1997 йилда 409 минг сўмлик, 1998 йилда эса атиги 53 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани аҳволнинг мураккаблигини кўрсатмоқда...»

Партия ташкилотининг II конференциясида маъруза қилган туман кенгашининг биринчи котиби Н. Расулов мазкур кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолиятини таҳлил қиларкан, юқоридаги каби камчиликларни қуйинчаклик билан тилга олди. Чунки, партия ташкилоти таркибида, турли соҳаларда ишловчи, 5000га яқин аъзо бор. Раҳбар кадрларнинг 90 фоиздан ҳам кўпроғини ХДП аъзолари ташкил этади. Жойлардаги 102 та бошланғич ва худудий партия ташкилотлари, мутахассис фаоллар-чи?

Маърузачи ҳисобот даври таҳлили жараёнида ХДПдан сайланган депутатлар фаолиятига ҳам кенг тўхталди. Айрим депутатларнинг туман халқ хўжалигини қолоқликдан чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўз ташаббуслари билан сессиялар кун тартибига киритишга журъат тополмаётганликларини танқид қилди.

Конференцияда, шунингдек, тафтиш комиссияси ва ХДП туман кенгашидан сайланган депутатлик гуруҳи ҳисоботлари ҳам тингланди. Шундан сўнг бўлиб ўтган музокараларда сўзга чиққанлар томонидан амалий таклифлар билдирилди.

Мафкура ишида бўш халқа бўлмаслиги керак. Бу соҳада бўшлиқнинг юзага келиши қандай фожиаларга сабаб бўлганини 16 февралдаги Тошкент воқеалари яна бир бор англатди. Эндиликда, биз маслакдошларнинг асосий вазифаларимизда бири — одамларни ҳушёрликка, фаолликка даъват этиш, олижаноб, эзгу мақсадларга тўла-тўкис эришиш.

Анжуман кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев сўзга чиқди, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими М. Норбоева, туман ҳокими Т. Рўзибоев қатнашдилар.

Туман партия кенгашининг ташкилий пленумида унинг биринчи котиби этиб Н. Расулов қайта сайланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Шу кунларда: Иштихон, Пайариқ, Мирзаобод, Денов, Узун, Сариосиё, Яккасарой, Шуманай, Қораўзак, Беруний, Чимбой туманлари ҳамда Янгиер шаҳар партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди.

Уларда тегишли шаҳар ва туман партия кенгашлари, партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари ҳисобот маърузалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ахборотлари муҳокама этилди, партия ташкилотлари фаолиятининг келгусига мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, мазкур анжуманларда шаҳар ва туман партия кенгашлари, тегишли партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари янги таркиблари шакллантирилди, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайланди, юқори партия органларига вакиллар юборилди.

Мазкур конференцияларда Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Иштихон тумани ҳокимининг биринчи муовини Ю. Муҳаммадиев, Пайариқ туман ҳокими М. Шакаров, Мирзаобод туман ҳокими А. Жумаев, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов ва Денов тумани ҳокими Т. Менглиев, Узун тумани ҳокими С. Ҳасанов, Сариосиё тумани ҳокимининг биринчи муовини С. Асадов, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов ва Яккасарой туман ҳокими А. Мирқосимов, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши иккинчи котиби Э. Хошанов ва Шуманай туман ҳокими С. Сайманов, Қораўзак тумани ҳокими М. Абдиров, Беруний тумани ҳокими А. Жуманиёзов, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши биринчи котиби А. Асанов ва Чимбой тумани ҳокими А. Қурбонбоев, Янгиер шаҳар ҳокими С. Шодиевлар иштирок этдилар.

Ушбу конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, С. Рўзиев, З. Йўлдошев, Б. Қаршиев, А. Бўриев, К.Шамиева, Ж. Азамова, Т. Сайфуллаев, А. Жумабоев, Қ. Дўстназаров, Й. Насруллаев, Я. Турдиев, А. Каримов сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бизда чанг босган тегирмонлар йўқ

Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмон Самарқанднинг донги кетган нонидан олиб кетишга ҳаракат қилади. Чўғдай тафти кўнгил иситувчи бўрсилдоқ нонлар меҳрини, қалб қўрини қўшиб тандирга жойловчи нонвойлар меҳнати маҳсулидир. Бу неъматни истеъмол қилган одам яна бир касб соҳиби — ғаллакор ҳақига дуо қилади.

Ғалла—99

Испан элчиси, тарихчи Клавихо ўз хотираларида бир воқеани келтиради: Араб элчилари Самарқанддан қайтишда ғалла уруғи олиб кетмоқчи бўлишади. Ўша даврдаги қонунга кўра, бунга йўл қўйилмасди. Улар ҳассаларининг ичига уруғлик солиб кетишаётганда кузатувчилар томонидан ушланиб, уруғликни олиб қолишган экан.

Қиссадан ҳисса шулким, бу кўҳна заминда етиштирилган донга азалдан олисолис элларда ҳам шайдо бўлишган. Шу боис истиқлолнинг илк йилларидаёқ дон мустақиллиги учун кураш шиор қилиб олингани бежиз эмас. Бу вазифани бажаришда самарқандликлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хусусан, кейинги уч-тўрт йил ичида вилоятда ғаллачиликнинг довруғи, мактаблари тикланибгина қолмай, унинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Хусусан, бултур вилоятда рекорд натижа — 400 минг тонна дон етиштирилди. Чекка қишлоқларда чанг босиб ётган тегирмонлар ишлаб кетди, тандирлар тўлиб нон ёпилди.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари ва Тойлоқдаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги ҳамкорликда яратган ўнлаб навлар маҳаллий иқлим шароитида синовдан муваффақиятли ўтди. Хусусан, «Улуғбек-600» навига мутахассислар назари тушди. Шу сабабли ўтган йил кузда ғаллакорлар ерга асосан ана шу нав уруғини қададилар. Олимлар, мутахассислар ёрдамида ғаллага ишлов бериш намунали ташкил этилди. Бугунги кунда вилоятнинг барча туманларида ғалла ҳосили бирдек пишиб етилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, оқсоқоллар, тажрибали мутахассислардан иборат гуруҳ ғалла парваришида деҳқонларга мунтазам ёрдам кўрсатиб турибди. Ўтган йилги камчиликлардан сабоқ чиқариш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жорий йилда вилоятда ўтган йилга қараганда 60 минг тонна ёки 15 фоизга кўп дон тайёрлаш режаси белгиланди. Тайёрланган ғалланинг 52 фоизини давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш кўзда тутилган.

Юртбошимиз Самарқандга ташрифларининг бирида ғаллакорлар билан суҳбатлашиб, — «Ғалла етиштириш табаррук касб эканлигини одамларга тушунтириш, ғаллани яхши ерларга экиш зарур», — деган эдилар. Вилоятда айнан ана шу кўрсатма асосида иш юритилиб, Самарқанд, Жомбой, Тойлоқ, Ургут, Нарпай туманларида гектаридан ўртача 42 центнердан ошириб ҳосил олинди, айрим хўжаликлар ва звеноларда бу кўрсаткич 60-70 центнерга етди. Муҳими, пешона тери эвазига олинган мўл ҳосилга яраша моддий манфаатдорлик таъминланди.

Яқинда вилоятга бир қатор қўшни вилоятлардан уруғлик дон учун буюртмалар келди. Демак, Самарқандда етиштирилаётган дон уруғи кўпчиликнинг назарига тушган. Мутахассислар оқсоқоллар билан маслаҳатлашган ҳолда пишиб етилаётган ҳосилни яна бир бор назоратдан ўтказишди. Имкониятлар уруғлик учун дон тайёрлаш мумкинлигини кўрсатди.

Ўрим-йиғим мавсумини қисқа фурсатларда уюшқоқлик билан якунлаш комбайнлар, дон ташийдиган машиналар, дон тозалаш агрегатлари тайёр бўлишига боғлиқ. Бугунги кунда мавжуд 820 дан ортиқ, жумладан 85 та «Кейс» русумли комбайнлар мавсумга шайланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, комбайнлар билан ҳар куни 4-5 минг гектардан зиёд майдондаги ғаллани ўриб олиш имконияти мавжуд. Шунингдек, ғалланинг тўлиқ пишиши ва табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб ишни ташкил қилиш мавсум муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ғалла кечроқ пишадиган туманлардаги комбайнларни ўрим-йиғим барвақт бошланадиган туманларга вақтинчалик жалб қилиш белгиланган вазифаларни ўз вақтида уддалашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Вилоятда ушбу муҳим масалага катта эътибор қаратилган, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 200 дан ортиқ «ўрим-йиғим гуруҳлари» ташкил этилиб, уларга 1800 га яқин автомашина, 1700 дан ортиқ трактор тиркамалари биркитилди. Уларга ўрим-йиғим жараёнида вужудга келадиган техник носозликларни ўз вақтида бартараф этиш учун 215 дан ортиқ таъмирлаш бриғадалари, малакали мутахассислар хизмат кўрсатишади, зарур асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлари билан тўлиқ таъминланади.

Вилоятда мавжуд «Кейс» русумидаги ғалла ўриш комбайнларини узлуксиз ишлатилиши чоралари кўриляпти.

Вилоят «Агромашсервис» бирлашмаси ихтиёридаги «Кейс-А» техник сервис маркази ва «ЎзКейссервис» қўшма корхонасининг вилоят бўлими мутахассисларидан иборат 7 та бригада хизмат кўрсатмоқда.

Донни сифатли тайёрлаш, қайта ишлаш ва қабул қилиш манзилгоҳларининг умумий тайёргарлигига бевосита боғлиқ. Айни пайтда вилоятдаги 8 та донни қайта ишлаш ва 11 та дон қабул қилиш манзилгоҳлари мавсумга тайёр қилинган. Шунингдек, хўжаликлардаги уч юздан ортиқ хирмонжойлар ҳам мавсумга шай.

Ғаллакорлар маслаҳаткенгаши қатнашчилари фикрига кўра, вилоятда 500 минг тонна дон тайёрлаш имконияти мавжуд. Биргина ўтган йилги ўртача ҳосилдорлик таъминланганда ҳам, салкам 100 минг гектар суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг ўзи 400 минг тоннадан ошади. Бундан ташқари, 70 минг гектардан ошиқ лалми ер ҳисобига 50 минг тоннадан зиёдроқ ҳосил олиш имконияти бор. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳоли етиштирган донни алоҳида ҳисобга олинишини эътиборга олсак, мавжуд 32 минг гектар томорқалардан қўшимча 120 минг тоннадан ортиқ ҳосил олиш мумкин. Демак, мақсадга эришишнинг тўлиқ имконияти бор.

Актам ҲАИТОВ, иқтисодчи

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Эгасиз қолган... шартнома

Янгиер қурилиш материаллари комбинати ўзаро шартнома шартларини нега бажара олмади?

Сирдарё вилояти, хусусан унинг Гулистон, Янгиер, Сирдарё каби шаҳарлари катта қурилишлар майдонига айланиб кетгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шаҳарлар, баъзи туманларнинг марказлари ҳамда қишлоқлар одамлар кўз ўнгида ўзгариб, чирой очиб улуғвор салобат ва сифат касб этиб бормоқда. Қурилишлар эса маблағ ва ашёларсиз бўлмайди. Вилоятда айниқса пишган ғиштга талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Буни янги қурилишларга бир ниғоҳ ташлаган киши тезда англаб олиши турган гап.

Пишиқ ғиштларни эса сирдарёликлар ҳамон қўшни тошкентликлардан олиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Буни қарангки, қурилиш ишларига эҳтиёж катта бўлган вилоятда шу пайтга қадар бирор бир тайинли ғишт ишлаб чиқарадиган завод ёки корхонанинг йўқлиги ҳам ажабланарли ҳолдир. Вилоятнинг мутасадди раҳбарлари бу муаммони ҳал этишга қўл уриб, хайрли ишни бошлаган эдилар. Илгаридан чор-ночор фаолият кўрсатиб келган собиқ Янгиер ғишт заводи, эндиликда «Мирзачўл-қурилиш» бирлашмаси тасарруфига ўтказилди. Сўнгра эса мазкур бирлашма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Умар Аҳмедовнинг вилоят ҳокими муовини А. Кровнов номига хати, Меҳнат вазирлигидан 80 миллион сўмлик имтиёзли қарз олишга ёрдам қилиниши тўғрисидаги мурожаатлари изсиз қолмади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Янгиер қурилиш материаллари комбинати ҳиссадорлик жамияти билан Сирдарё вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ўртасида шартнома тузилди. Шартномани қарз олувчи жамоа томонидан ҳиссадорлик жамияти раиси Хўжақул Бегалиев, қарз берувчи томонидан эса бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинча бажариб турган Г.Камолов имзоладилар. Мазкур ҳужжатга биноан вилоят меҳнат бошқармаси юқоридаги хатда сўралганидек 80 миллион эмас, балки 25 миллион сўм қарзни бир йил муддатга, 20 фоизлик устамаси билан қайтаришга шартлашилган.

Йилнинг охирига келиб вазият бироз ўзгарди. Шу аснода 1998 йилнинг 5 январь куни қўшимча шартнома пайдо бўлди. Бу сафар шартномани вилоят меҳнат бошқармаси бошлиғи Ғофуржон Алиев, бош ҳисобчи Қ. Муқумова, бўлим бошлиғи М. Абдурахмонов, жамият томонидан Хўжақул Бегалиев имзоладилар. Бу сафар берилаётган қарз ҳажми 15 миллион сўм миқдорда белгиланган бўлиб, қарз бериш 1997 йилнинг 31 декабрь куни амалга оширилиши муносабати билан уни 20 фоиз устама ҳақи билан 1998 йилнинг 31 декабрь куни қайтариш лозимлиги ҳақида келишиб олдилар. Кўриб турибсизки, ҳамма нарса рисоладагидек. Чунки мазкур комбинатдаги ишларни ўнглаб олиш учун ажратилаётган 15 миллион сўмлик имтиёзли қарз, яъни мадад чакана маблағ эмас эди.

Лекин афсуски, бундан кейин корхонада кечган жараёнларни соғлом ақл билан тушуниш ва ҳазм қилиш қийин. Ўн беш миллион сўмлик мадад келиб тушганидан сўнг бу ерда ишлар қайнаб кетиши, ўтириб қолган комбинатни тиклаш жараёнлари кун сайин авж олиб бориши, ҳиссадорлик жамияти ўз мушкулларини, камчиликларини ўнглаб олишлари учун бор чораларни қўллашлари зарур эди. Амалда эса эски ҳаммом, эски тос, яъни хўжасизлик ва эгасизлик ҳукм сураверди.

Ҳар қандай иш бошида қалби қайноқ, қўли ҳалол, виждони пок инсонлар, бирдан мингни ярата оладиган тадбиркорлар турса — бу ўша жамоанинг омади деяверинг. Раҳбар — номигагина раҳбар бўлса, тилида қуруқ ваъдаларни бериб, ишга келганда пинҳона эгри йўлларни тутаверса ёки жиддий муаммолар қаршисида нўноқлик, ожизлик қилса, бундай раҳбарлардан жамоага, юртга, қолаверса давлатимизга нима фойда?

Биз бу гапларни Янгиер қурилиш материаллари комбинати ҳиссадорлик жамияти раиси Хўжақул Бегалиев шаънига эмас, балки ўрни келиб қолгани учун айтаётирмиз. Комбинат эса тиғиз, ўта масъулиятли, бошқача айтадиган бўлсак, унинг тақдири бор ёки йўқ бўлиши лозим дамларда эгасиз қолгандек бўлди. Айтишларича, раис ўзининг йил бошидан кўрсатган ўн ойлик иш фаолиятининг икки ойи мобайнида корхонада бўлмади, яъни касалхоналарда соғлиғини тиклаш ташвишида юрди. Ғалвир кўтарилиб, қарзларни тўлаш, қилинган ишларга жавоб бериш муддати яқинлашиб қолганда эса... қарилик нафақасига чиқиб олди...

Раҳбарнинг иш фаолияти шу хилда якунланган экан, қарзга берилган маблағ харажатларидея олмайди. Чунки самара деган нарсанинг ўзи йўқ. Самара олишга кўзлари етмай қолганларидан сўнг эса жами 6,5 миллион сўмга яқинини қарз берувчига қайтаришга мажбур бўлганлар.

Кўриниб турибдики, катта мақсад ва орзу-умидлар билан тузилган, шу қадар қулай ва фойдали бўлган шартнома ижрочи томонидан эгасиз қолди. Бир-бир ярим йиллик давр мобайнида ҳиссадорлик жамиятида уч маротаба раҳбар ўзгарди. Оқибатда кўп нарсалар издан чиқди, жамоа пароканда бўлди, қарзлар янада кўпайди, одамларнинг ўз иш жойларига бўлган ишончлари йўқолди ва ҳоказо. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Мазкур жамоанинг турли ташкилотларга, шу жумладан, қарз берувчи вилоят меҳнат бошқармасига тўлаши лозим бўлган қарзлари 20 миллион сўмдан ошиб кетган. Ўтган йилнинг бошида бу ерда жами 128 киши ишлаётган эди. Ҳозирга келиб эса кадрлар бўлимидан берилган маълумотга кўра, жамоада 36 киши қолган холос. Уларнинг ҳам асосий қисми қоровуллар, бошқарув ходимлари. Ўтган йили Янгиер қурилиш материаллари ҳиссадорлик жамияти наридан бери 8 ойча фаолият кўрсатди холос. Кейинги сал кам етти ойлик давр мобайнида эса бу ерда ишлар бутунлай тўхтаб қолган. Сабаблари эса юқоридагилардан бизга маълум.

Шартнома шартлари — қатъий. Шаҳар бедарвоза эмас, деганларидек қарз берувчи ташкилот, яъни вилоят меҳнат бошқармаси келишилган муддат ўтиб бўлгач, вилоят хўжалик судига тегишли даъво хати билан мурожаат қилди. Вилоят хўжалик суди бу масалани обдон ўрганиб чиққач, ўзининг яқинда бўлган суд мажлисида Янгиер қурилиш материаллари комбинати ҳиссадорлик жамиятидан қарз берувчи ташкилотга жами 12 милион 356 минг сўм ундириб бериш юзасидан ҳал қилувчи қарор чиқарди. Хоҳлайдиларми, хоҳламайдиларми, ўз нотавонликлари учун қарз олувчилар энди бу қарор юзасидан жавоб беришга мажбур.

Мазкур шартномани имзолаш, яъни қарз беришдан мақсад — Янгиер қурилиш материаллари комбинати ҳиссадорлик жамияти жамоасини оёққа турғазиш эди албатта. Ташкилотга яқинда янги раҳбар сайланибди.

— Иш бошлаганимга энди ўн беш кун бўлмоқда, — дейди Солижон Рустамов. У Бекобод туманидаги «Хос» ғишт заводида муҳандис бўлиб ишлаётган экан. Ёши қирқларга ҳам бормаган, ўз ишини биладиган, ғайратли инсонга ўхшайди. — Бизга ҳозир ҳеч бўлмаганда беш миллион сўмча пул керак, газимизни, электр энергияни улаб беришса, транспортдан ёрдам қилишса бўлди. Мен вазиятни ўрганиб чиқдим, корхонани ишга туширгач, бир йилда барча қарзлардан қутулиб кетса бўлади, — дейди Солижон Рустамов... Эҳ, дейсан киши беихтиёр. Нега мазкур комбинат ҳомийлари шу каби раҳбар кадрни бир йил олдин, яъни юқоридаги шартномани тузиш олдидан топмадилар, нега катта бир жамоа тақдирини нафақага чиқишни ўйлаб юрган киши қўлига топшириб қўйдилар? Кўриниб турибдики, юқоридаги чалкашликларда ҳомийларнинг ҳам айблари оз эмас. Етти ўлчаб бир кес, деб шуни айтсалар керак-да...

Ҳайдар ТЕМИРОВ, Сирдарё вилоят хўжалик суди раиси, Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 14

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳисор қўриқхонаси», «Ўсимликлар дунёси».
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Мусиқий саёҳат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Бор эканда, йўқ экан...». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.40 «Камолат сари».
12.55 «Оила». Тележурнал.
13.20 «Иҳҳор». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10-14.30 «Санъат олами».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «ТВ-патруль».
18.45 «Юрак сенсан менинг созим». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.10 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 55-қисм.
23.30 «Ахборот».
24.00 «Маънавият» дастури.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон»)
18.25 Мультфильм.
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 Мусиқий лаҳза.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Шарқ эстрадаси».
19.55, 20.25, 23.15 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 «Сурур». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 Эгиз қўшиқлар.
22.35 Муносабат.
22.55 Олам футболи.
23.20 Синема. «Уй томон йўл».
00.50 «Хайрли тун!»

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Дорихона эшитади...».
22.15 «Чин қалбдан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.10 «Интернет» худуди.
16.25 «Уорлднет» янгиликлари.
16.35 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ганс ва Гретель». 2-серия.
16.50 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
17.00 Леонид Якубович. «Тарих қилдираги» телеўйинида.
17.45 Майкл Дуглас. «Қора ёмғир». Жангари фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 Сиз кутган учрашув.
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм.1-серия.
23.35 «Клип антракт».
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА 15

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа ва замон».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 55-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
10.25 «Маънавият» дастури.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.40 «Санъат ғунчалари».
12.05 «Муҳаббат дарси».
12.30 Кундузги сеанс: «Товон тўлов». Бадиий фильм.
14.10-14.30 «Ҳунарманд». Тележурнал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болаликнинг мовий осмони».
18.45 «Куйла, ёшлигим».
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Биби Увайда». Премьера.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Икки дил таронаси». Мусиқий дастур.
21.55 Футбол.Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Навбаҳор» (Наманган)
22.40 «Қиёфа».
23.05 «Ахборот».
23.35 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 55-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Беғубор фасл».
19.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
20.00, 20.30, 20.40 Эълонлар.
20.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Ҳамкорлик».
20.50 «Кўнгил наволари».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Марду майдон».
21.55 «Агарда солиқчи келса?» Телешоу.
22.25 Республика ёш ижрочилар конкурсининг ғолиби «Сарбон» гуруҳи қўйлайди.
22.45 «Премьерадан сўнг». «Маҳаллада дув-дув гап» фильми 40 йилдан сўнг.
23.05 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
00.35 Хайрли тун!

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Долзарб мавзу».
20.20 Телелавҳа.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт оламида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Суҳбатдош».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Сиз кутган учрашув».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қушлар подшоси». 1-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Йўқотилганларни излаб...». Сергей Лемешев. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.45 «Титаник» фильми. 3-қисм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Режиссёр Акира Куросаванинг «Расёмон» фильми.
23.55 «Ахборот» (рус тилида) 00.20



Аёлларнинг сув остида кўз ёриши, анъанавий усулга қараганда тез ва нисбатан бехатар бўлар экан. Бу борада тадқиқот олиб борган Нидерландиядаги «Unterwasser-Babies» шифокорларининг фикрича, ёқимли мусиқа садолари остида илиқ сувли ваннада аёлнинг туғиши анча енгиллашар ва она билан унинг қорнидаги ҳомила ўртасидаги сезги алоқалари мустаҳкамланар экан.

6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қари султон». 1-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Титаник» фильми. 1-қисм.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 Сиз кутган учрашув.
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 16

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Инсон — ҳаёт гултожи».
8.50 «Дутор ва танбур таронаси».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Абитуриент-99. Адабиёт.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.50 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.05 «Севимли созим».
11.25 «Эрталаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 «Табиат алифбоси».
12.20 Кундузги сеанс: «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 -14.30 «Озода бўлса шаҳринг».

***

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Суғдиёна» (Жиззах).
17.45 «Ўтмишдан садолар».
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.35 «Озод ва обод юрт».
18.55 «Шеър ва шуур».
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Қўшиқларим Сизга армуғон». Раҳима Носирова.
21.55 «Футбол майдонларида».
«Тунги ҳамроҳ».
22.10 «Даврага кел». Дам олиш дастури.
23.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 56-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи давра»).
18.25 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.40 «Гуллар орасида».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс».
19.55 «Дил рози». Мусиқий дастур.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.00 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Саттор Раҳимов».
20.50 «Каталог».
21.00 Давр. Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Спектаклдан сўнг».
21.55 «Баҳс».
22.20 «Мусиқий лаҳза».
22.30 «Авторейд».
22.40 «Олис сафарлар иштиёқида». Швейцария.
23.00 Синема. «Қонун хизматчилари».
00.50 «Хит-коллекция».
01.10 «Хайрли тун!»

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 «02» тўлқинида.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳайрли оқшом».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Манзур бўлса бас...». Султонпошша Ўдаева.
22.10 «Кўзгу». Тележурнал.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ:
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (Инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-клуб».
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қари султон». 2-серия.
18.00 Клип-антракт,
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Титаник» фильми. 2-қисм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?»
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти антологияси.1976 йил».
22.50 Кинематограф: «Какку қуш уяси узра парвоз». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 17

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Саньатим-саодатим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 56-қисм.
10.00,12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нигоҳ».
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Абитуриент-99. Она тили.
10.50 Япон тили.
11.10 Абитуриент-99. Математика.
11.40 «Мураббий». Спорт дастури.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
12.50 «Талабалар саҳнасида».
13.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10-14.30 «Бадиий академия кўргазма заллари бўйлаб».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.25 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.30 «Кундузсиз кечалар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
24.00 «Сомон йўли».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 56 қисм.
18.50 «Мусиқий лахзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 Танишинг: «Туркистон» газетаси.
19.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
19.55, 20.25, 22.55 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Давр»-интервью.
20.40 «Мусиқий глобус».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 Мусиқий лахзалар.
21.35 «Ўтган кунлар».
22.05 «Обид-шоу».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 Синема. «Пул бўлса бас».
00.30 «Спорт-қитъаси».
01.00 «Хайрли тун!»

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот»
21.05 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ»:
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Сиз кутган учрашув».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қушлар подшоси». 1-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Йўқотилганларни излаб...». Сергей Лемешев. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.45 «Титаник» фильми. 3-қисм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Режиссёр Акира Куросаванинг «Расёмон» фильми.
23.55 «Ахборот» (рус тилида) 00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 18

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.00 «Меҳригиё».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ватан туйғуси»
9.45 «Етгил камолга». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Абитуриент-99. Физика.
10.50 Немис тили.
11.20 Абитуриент-99. Биология.

*

11.40 «Ўзбекистон фуқароси».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.20 «Қўғирчоқлар жонланганда».
12.45 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.30 «Сомон йўли».
14.10-14.30 «Шарқ тароналари».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Дастурхон нонга тўлсин».
18.30 «Ёр васфи». Мусиқий дастур.
18.50 «Ранглар жилоси».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Адолат мезони».
21.25 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Сайёра Тўйчиева.
22.00 «Кундузсиз кечалар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.00 Самбо кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Дунё ва болалар»)
18.25 «Ёшлар ва маънавият».
18.40 «Одамлар орасида». Гиёҳвандликка қарши курашга бағишланади.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20.25, 23.10 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Талабалар шаҳарчаси».
20.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Саломат бўлинг».
21.55 «Азизим».
22.20 «Сиз севган хонанда: Насиба Абдуллаева».
22.35 «Автосалтанат».
22.50 «Жаҳон эстрадаси».
23.15 Синема.
01.15 «Мунаввар тонг истаб...».

TV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Кўзгу». Тележурнал.
11.35 «Саодат калити».
11.55 «Кинонигоҳ».
13.30-13.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.10 «Катталар учун эртак».
22.20 «Қайтгил муҳаббат». Фильм-концерт.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ».
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ:
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу».
17.15 «Джентельмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қушлар подшоси». 2-серия,
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Унинг никоҳ кечаси».
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 19

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Кўзгу».
10.30 «Очиқ дарс».
10.50 «Кичкинтой устахонаси».
11.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.10 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.

Яқинда Польшадаги «Masai Mara» қўриқхонасига ташриф буюрганлар икки қоплоннинг ёш кийик боласини «ўйнатиб» ўтирганининг гувоҳи бўлдилар. Маълум бўлишича, йиртқичлар кийикчанинг онасини ўлдириб ейишган, бироқ боласига ҳеч қандай зиён етказишмаган.

Қаранг, уларда ҳам юрак бор. Гўдак ҳамма учун ширин экан-да...

INTERNET хабарлари асосида Худоёр ҲАМИДОВ тайёрлади.

12.45 Кундузги сеанс: «Сехрли тўн». Бадиий фильм.
14.10 «Санамлар сарвари». Телетанлов.
14.50 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
15.10 «Эъзоз».
15.35-16.05 «Ринг».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 22.25 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эрталари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Ўзбекистоним менинг». Мусиқий дам олиш дастури.
22.30 «Халқнинг кўнгли».
22.55 Самбо кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.55 «Куй ва тасвир».
00.15 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм.1-қисм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 55-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.50 «Буюк юрт фарзандиман».
11.05 «Дилбарим».
11.20 «Семург».
11.35 «Ракурс».
11.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
12.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.25 «Мусиқий лахзалар».
12.35 «Спектаклдан сўнг».
12.55 «Кўнгил наволари».
13.05 «Кинотақдим».
13.25 «Рамаяна». Телесериал.
14.00 «Чироғи ёниқ уй».
14.25 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
14.35 «Аждодлар хотираси». Ибн Сино.
14.50 «Азизим».
15.15 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Тарзан». Телесериал.
16.00 «Гуллар орасида».
16.15 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», «Болалар дам олиш масканларида»)
18.35 «Эски альбомдан».
18.40 «Равнақ».
18.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.25 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес академия».
20.55 Мусиқий лахза.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Хуш келибсиз».
21.55 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
22.05 «Туйғу».
22.25 «Эски альбомдан».
22.30 «Мафтункор чехралар».
22.55 Кўнгил кўнгилга пайванд.
23.30 Синема. «Авиаҳалокатлар хазинасига».
01.10 «Хайрли тун!»

TV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Мисли гавҳар».
10.15 Болажонлар экрани.
11.45 «Ёшлар худуди». Дам олиш дастури.
12.15 «Хотира- қалб чироғи».
12.40 «Бева Бланка». Телесериал.
13.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Девид Копперфильд.
13.45 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Чинсэн».
14.30 «Кинонигоҳ».
16.10-16.35 «Спорт-тайм».

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилидда)
20.00 «Таянч».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар кўчасида.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тасанно».
22.20 «Хўқанди латиф ёдгорликлари». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.20 Манзарали фильм.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 «Даллас». Телесериал.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Расёмон». Бадиий фильм
10.45 «Жонли сайёра».
11.00-12.00 «Буржлар башорати».

* * *

16.30-17.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Қумуш серия». Малколм Макдауэлл «Ўтиш» триллерида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.15 «Бирғалиқда куйлаймиз».
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф: «Жозиба изтироби».
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 20

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим-ринг».
11.40 «Нурли келажак».

*

12.10 «Яхшилар ёди». Адабий кўрсатув.
12.30 «Мозийдан бир мўъжиза».
12.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.15 «Шоҳруҳ клуби».
13.45 «Нотаниш дил суҳбати».
14.00 Кундузги сеанс: «Иккичилар синфи уйғонмоқда». Бадиий фильм.
15.20 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
15.35-16.00 «Нафосат». Тележурнал.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Сехрли шуъла». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Сурхон» (Термиз)
23.15 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс
«Аср мўъжизаси». Кинодастури.
23.30 Кино янгиликлари.
23.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.05 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-қисм.
01.15 -01.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам олинг!»
9.40 «Янги авлод дастури» намойиш этади.
10.30 «Бизнес -академия».
10.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
11.00 «Инглиз тили сиз учун».
11.25 «Ёшлар» телеканалида.
11.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 56-қисм.
12.15 «Мусиқий лахзалар».
12.20 «Лаззат».
12.40 «Рей Бредбери театри». Телесериал.
13.05 «Кутилмаган меҳмон».
13.35 «Цирк, цирк, цирк».
13.55 «Мусиқий лахзалар».
14.00 «Очун».
14.20 «Рамаяна». Телесериал.
14.55 Жаҳон эстрадаси».
15.15 «Бегойим».
15.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
15.45 Хит-коллекция.
16.05 Синема.
17.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Билоғон маслаҳати»)
18.25 Бари хазил.
18

Элбек таваллудининг 100 йиллигига

Тугалланмаган қўшиқ

Тошкент яқинидаги тоғ қишлоқлардан бири — Ҳумсонда камбағал оилада туғилиб ўсган бу тиришқоқ йигит ўз ҳалол меҳнати, куюнчаклиги туфайли замонасининг пешқадам зиёлиларидан бирига айланди. Азим Тошкентга ялангоёқ-ҳолда пиёда келган ва не машаққатлар билан билим олган ёш ўсмир жадидларнинг раҳнамоларидан бўлган Мунаввар Қори, Эшонхон Хоний каби илғор зиёлилар эътиборини тортди. Кейинроқ у тараққийпарвар адиблар Мирмуҳсин, Мирмулла Шермуҳаммедовлар хонадони билан яқинлашади. Илк шеърлари, масаллари матбуотда чоп этила бошлайди. 20-йилларда «Элбек» тахаллуси билан унинг «Армуғон», «Кўзгу», «Сезгилар», «Ёлқинлар», «Баҳор» сингари кўплаб шеърий тўпламлари нашр этилади. Айниқса, 1922 йилда Бокуда «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида шеърлари Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Боту каби адибларнинг асарлари билан бирга босилиб чиққач, шоир ижоди эл ўртасида кенг тарқалади. Шундан кейин Элбекнинг номи ҳар доим юқоридаги шоирлар билан ёнма-ён тилга олинадиган бўлди.

Фитрат «Миррих юлдузига», «Шарқ», Чўлпон «Бас энди», «Бузилган ўлкага» ва бошқа ўнлаб шеърларида янги либосдаги мустамлакачиларнинг қиёфасини фош этгани маълум. Элбек ҳам уларнинг маслакдоши сифатида самарали ижод этди. У «Армуғон» тўпламига кирган «Қайси бири бўри!» масалида оқ пошшо зулмидан қутулиб, большевиклар асоратига тушиб қолган мазлум халқимизнинг фожиасини мажозий йўл билан тасвирлади. Шоир «Муҳит ичра» шеърида давр шамолларига қанотим бардош беради, деб ўйлаган эдим, аммо бу хаёл пуч бўлиб чиқди, қанотим синди, орзуларим барбод бўлди, энди ожиз ҳолимга йиғлайман, деб очиқ ёзади. Бу — қизил империя зулми остида буғилган халқимизнинг аччиқ нидоси, дил изтиробларининг акс-садоси эди. Бу

1

ғоя Элбекнинг «Кесилган умид» шеърида янада чуқурлаштирилади:

Оҳ...! Бахтсизлик
қўймади омон,
Қушнинг бағрига ўқ
келиб тегди,
Гул бутоғидан тушди-да
ўлди,
Кўп чоқдан бери
тўпланган дардлар
Юракда қолди,
умид кесилди.

Ёки:

Дунёда борлиғингни
сақлар эсанг,
Ҳур бўлиб, тепку ичра
қолмас эсанг,
Ол шуни қўлга, турма,
тездан ол!
Шундадир бахт,
шундадир иқбол!

Бундай дадил хитоблар, курашга ошкора чақириқ руҳи Элбекнинг яна кўп шеърлари бағрида жўш уриб туради. Булар эса Элбек Туркистоннинг миллатпарвар шоирларидан бири, чинакам истиқлол деб ёнган фидойи инсон эканини яққол исботлайди.

Шоир «Парчалар» деб атаган тўртликларида оловлар ичига мардона киришга чорлар экан, шаклдош сўзлардан моҳирона фойдаланиб, шеър ғоясини бўрттириб кўрсатади.

Ўт, ўт ичидан
ўтинг бор бўлса,
Ёт, ёт ичида
кучинг йўқ эрса,
Енг, енг ичида
енгинг келишса,
Ён, ён ичида
ёнинг куйишса.

«Тил» шеърида «болдай тотли», «жондан азиз» она тилини эъзозлашга чақирган шоир ўз шеърларида халқона соддаликка интилди, фақат ўзбекча-туркий сўзларни ишлатди — тил тозалиги учун курашиб, элга маърифат, зиё тарқатди. Бу жиҳатдан ҳам Элбек шеърлари Чўлпон ижоди билан ҳамоҳанг, яқинлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам хориждаги тадқиқотчилар ҳақли равишда Элбекни «Туркистоннинг иккинчи Чўлпони» деб баҳолаган эдилар.

Бу фидойи зиёлининг фаолият доираси анча кенг. У Фитрат ташаббуси билан тузилган «Чиғатой гурунги» адабий ташкилотининг фаол аъзоси, тил-имло ўрганишга бағишланган илк дарсликларнинг муаллифларидан бири («Тил-имло қоидалари», «Ёзув йўллари», «Гўзал ёзғичлар», «Ўрнак», «Совға», «Адабиёт дарслиги») сифатида ҳам кўп ишлар қилган. У тузган дарсликлар 20-йилларда қайта-қайта нашр этилган ва шу йиллардаги навқирон авлоднинг вояга етишига ҳисса қўшган.

Элбек тилшунос, фольклоршунос олим сифатида ҳам кўп ишлар қилган эди. У тузган шаклдош сўзлар луғати ҳамон илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Шоир тўплаган халқ қўшиқлари, лапар ва термалари турли китобларда барҳаёт яшаб келмоқда.

Шоирнинг 100 йиллик тўйи нишонланаётган бугунги қутлуғ кунларда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш зарур деб ҳисобладик. Элбек таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан у туғилиб ўсган Ҳумсон қишлоғидаги 19-ўрта мактабга шоир номи берилган эди. Кейинги пайтларда негадир бу ном айтилмайдиган бўлиб қолди, ҳатто Элбек номи битилган лавҳа олиб ташланди. Бугина эмас, Бўстонлиқ тумани мактабларига қўйилган Алишер Навоий, Муқимий, Улуғбек, Ойбек

2

сингари азиз номлар ҳам мактаб лавҳаларидан тушиб қолди. Сабабини сўраганимизда, мактабларга ном берилмайдиган бўлди, деган жавобни эшитдик. Гўё юқоридан шундай фармон берилган эмиш. Тўғри! Тоталитар тузумда зўрлаб киритилган номлар ўзгартирилишида атамақумнинг тавсиясига қатъий амал қилинсин деган кўрсатма бор. Аммо, бу адолатли фикр мактабларга ном қўйилмасин, деган маънони англатмайди.

Атоқли шоирлар, ёзувчилар, истиқлол учун азиз жонларини қурбон қилган фидойи инсонлар, машҳур олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг номи мактаб пештоқида товланиб турса, уларнинг ҳаёти ва ижоди, фидокорлиги ёш авлодга ўрнак ва намунага айланса, бу тарбиявий ишимизга катта кўмак бериши, мустақил ғоялар кенг ёйилишига хизмат қилиши, маънавиятни бойитиши кундек равшан нарса-ку! Шундай экан, бу эзгу ишни пайсалга солмаслик, бу борадаги адолатни ҳам тиклаш керак деб ўйлайман.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
адабиётшунос олим

Йўловчига

Иссиқ, совуқ, узоқ, қўрқинч демасдан,
Очлик, сувсизликни кўзга илмасдан,
Ният билан белни қаттиқ боғлаган,
Буюк умид учун ўзни чоғлаган,
Эй йўловчи, эй умидли йўловчи,
Йўлинг бўлсин, эй эзгулик тиловчи!

Сен бос одим, отлан олга, қайғурма,
«Йўл узоқ» деб умидингни ҳеч узма!
Йўл узоқдир, бироқ умид ундадир,
Қайтмоқ эса бўшдир, қайтмай юравер!

Кўнгил чечаги

Тонг шамоли секингина қанот қоқиб ўтганда
Умидимнинг гул боғчаси чечак билан безайдир.
Буни кўргач хаёлимнинг ўксузгина қушчаси
Чечак узра қўниб шодлик
товуши билан сайрайдир.
Бироқ менинг кўнглим бундай гўзал боқчанинг
Узоқ бормай салқин кучга учрашини ўйлайди.
Шунинг учун уни шундай ёвуз, олчоқ ёвлардан
Соқлоғоли юрагида кучли бир ўт асройдир.

Январь. 1922 йил

Тил

Мўнгли қушим, сайраб-сайраб кел, англат,
Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?
Булбул каби сайраб турган бу тилни
Уялмайин бу ўлкадан отғучи?
Болдай тотли, жондай азиз туркчани
Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилин донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

3

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот-Мўғли» студияси 1999 йил 24-25-26 июнда атоқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти НАБИ РАХИМОВнинг ёркин хотирасига бағишлаб
«ҚИЗИКЧИ-99»
кўрик-танловини ўтказади.
Танловнинг 1-босқичида вилоятлар ва шаҳарларда 20 июнгача 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этадилар.
Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.
Сахналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» мукофоти совриндори Шерали Хожиев
Сўровлар учун тел: 41-08-61

«Шикоят қилишингиз мумкин, агар...»

Билдим дедим тутилдим, билмадим дедим қутилдим, деган гап бор. Жамиятдаги баъзи ишлар ростданам шунақа эканлигини кўрганингда ўйланиб қоласан, киши. Ҳаммамиз ҳам унга амал қилишимиз керакмикин? Ахир бу биз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз ҳуқуқий давлат принципларига, адолат мезонларига тўғри келмайдику? Содир бўлаётган жиноятлардан кўз юмиб кетаверганимиз, адолатсизликларга бефарқлигимиз бошимизга нима кунларни солмади, ахир. Энг ачинарлиси, бировнинг муаммоси у ёқда турсин, ўзимизнинг ҳуқуқларимизни ҳам талаб қила олмайдиган даражага етказмадими бизни манфур истибдод сиёсати? Мустақиллик шабадасидан баҳра олаётганимизга салкам 8 йил бўлаётганига қарамасдан дардимизни қаерга айтишимизни билмасдан айрим мансабпарастлару лаганбардорларга эгилиб яшашимизга тўғри келаётганининг боиси ҳам ўз ҳуқуқларимизни билмаслигимиз, «билмадим деб қутилиш»имиздан эмасми?

Яхшиямки, жамиятимизда инсонлар кўзини очишга бел боғлаган фидойилар бор. Улар фақатгина катта-катта аудиториялар олдидагина эмас, ҳар битта фуқаронинг қўлидан тутиб бўлсада ўз инсоний, касбий бурчларини адо қилишга ҳаракат қилишмоқда. Мана, қўлимда худди шундай миллат, халқ жонкуярларининг яна бир меҳнати, ихчамгина, аммо ҳар бир оила турмуши учун жуда муҳим бўлган китобча: «Шикоят қилишингиз мумкин, агар...»

Азиз газетхонларга матбуот саҳифаларидаги қатор чиқишлари билан таниш бўлган иқтидорли адвокат Гулчеҳра Маткаримова ва таниқли ёзувчи Исфандиёр муаллифлигидаги ушбу қўлланмадан қатор саволларга жавоб топасиз. Дейлик, Сизни милиция ходими ноҳақ ушлади, терговчи ўз ҳақ-ҳуқуқини суиистеъмол қилди, ҳуқуқ-тартибот ходимлари уйингизда, хонангизда, дала ҳовлингизда қонунга хилоф тарзда ҳаракат қилди, ДАН ходимлари бекорданбекорга Сизни ҳуноб қилди, туристик фирмада Сизни алдашди, давлат тўралари Сизга «озор» берди, Сизга нотўғри ташҳис қўйишди. Имтиҳонда Сизни ноҳақ баҳолашди, шифохоналарда кўнглингиздагидай муолажа қилишмади ва ҳоказо. Хўш, шунда нима қилишингиз керак? Қандай қилсангиз ишингиз осонроқ ҳал бўлади? Сизнинг яна ҳам алданиб қолмаслигингиз учун қандай чоралар бор?

«Вазиятдан қатъий назар, Сизга таъсир етказувчиларга таъсир ўтказишнинг бир нечта усуллари бор. Сиз уларни биргаликда ёки алоҳида-алоҳида қўллашингиз мумкин, — дейилади китобда. — Бу усул қуйидагилардан иборат:

1. Якка ўзингиз ёки жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда ишонтириш ёки руҳий таъсир этиш ёрдамида.

2. Давлат ёки куч тизими идоралари ёрдамида.

3. Суд ёрдамида (умумий юрисдикция ёки арбитраж суди)

4. Жиноят қидирув тизимига мурожаат қилиш ёрдамида».

Шу ўринда муаллифлар бир нарсани таъкидлаб ўтишади. Яъни, муаммоларни суд ёрдамида ҳал қилишга шошилмасликни маслаҳат беришади. Чунки, суд назарий жиҳатдан фуқаро ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш усули бўлсада, «сир эмаски, суд жараёни кўп вақт талаб этади. Шунингдек, моддий харажатлар билан биргаликда кучли руҳий зўриқишни келтириб чиқаради. Шу боис, муаммони судгача олиб бормай ҳал қилишга урининг. Сиз ўзингиз даъвогарлик қилаётган ташкилот раҳбарига суд унга жуда қимматга тушишини уқтиришга имкони борича ҳаракат қилинг».

Шу гапларнинг ўзиёқ китоб қандайдир қолипдаги юридик китоб эмас, балки, дўстона маслаҳатлар асосида яратилган самимий қўлланма эканлигидан дарак бериб турибди. У эса бошидан охиригача ана шу руҳда давом этади. Китобдан адвокат кимлигию ундан қандай фойдаланиш мумкинлигигача, ариза, талабнома ва даъво аризалари ҳақидаги йўл-йўриқларгача билиб оласиз.

Китоб — содиқ дўст

Китобни варақлаб туриб, биз кўпинча англаб-англамайдиган, асосли равишда қаҳрамонлик билан ҳар ким ҳам айтавермайдиган бир ҳақиқатни ҳам топгандай бўламиз: «...давлат идоралари ва ташкилотларининг айрим вакиллари ўзларининг ваколатлари ва бурчлари хусусида етарли маълумотга эга эмаслар ёки хабардор бўлган тақдирларида ҳам улар қизиқувчи фуқароларга бу ҳақда тушунча беришни исташмайди. Бунинг боиси маълум. Одамлар ўз ҳуқуқлари ва ҳукумат томонидан жамиятга хизмат қилишга жалб этилган мансабдорларнинг вазифаларидан қанчалар кам хабар топсалар жабр-зулм ва давлат мулкига хиёнат қилиш каби ҳаракатларга шунча кенг йўл очилади».

Демак, бизнинг тепадан мадад кутиб ётаверишимизнинг ўзи ҳам «билмаслигимиз»нинг маҳсули, «фалон раҳбар мени олдиндан огоҳлантирмади» деган шикоят кўтариб юришимиз эса ўзимизнинг ҳуқуқий саводсизлигимизни ошкор қилишимиздан бошқа нарса эмас экан. Ахир жамиятнинг ҳар бир нуқтасида манфаатлар тўқнаш келиб турганда ҳеч ким ўз манфаатини қўйиб бизникини ўйламайди-ку.

Агар бу гаплар билан озгина ҳаяжонланган бўлсам, газетхон мени кечирсин. Бироқ, вужудни қитиқлайдиган битта савол барибир кўндаланг келаверади: Ўзимиз учун қайғуришга қачон ўрганамиз?.

Таҳририятларга узоқ туманлардан уюм-уюм шикоят хатлари келиб турган бир пайтда шикоят эгалари учун ҳақиқий маслаҳатчи бўла оладиган, хатларнинг почта хизмати нархи билан баробар ушбу китоб дўконларда ўз эгасини топмай турса, бу дардимни кимга айтай яна?!

Мен ушбу мақолада қўлланма муаллифларига кўпчилик номидан миннатдорчилик билдириб ўтишни ҳам бурчим деб биламан. Аммо, шу ўринда ҳам ўзбекча, ҳам русча чоп этилган (бир китобнинг ўзида) қўлланмадаги кичкина нуқсонни айтиб ўтиш жоиз. Китобнинг 27-бетида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Давлат томонидан шахсларни қариялик нафақаси билан таъминлаш ҳақида»ги қонунга мувофиқ» эмас, балки, «Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган...» бўлиши керак.

Албатта, бу онгли ўқувчининг ўзи тузатиб олса бўладиган хатолар. Шунингдек, китоб қимматига ҳам таъсир қилмайди. Шундай бўлсада, ўз масъулиятимиз юзасидан уни қайд этиб ўтдикки, ўқувчилар ҳам, муаллифлар ҳам тўғри қабул қилишига ишонамиз.

Нурбек ҲАКИМ ўғли

Тоққа чиққан чўққини кўзлар



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ангрен шаҳридаги техника лицейи томонидан Суюнова Дилрабо Абдулқосимовна номига берилган ОРА 385941 рақамли ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«МАРНИТ»
Ўзбекистон — Словакия қўшма корхонаси
Словакияда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари — газмоллар, оёқ кийимлари, тиш парошоклари, кремлар, эркаклар, кўйлаклари, аёллар косметикасини таклиф этади.
Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.
ТЕЛ: 54-39-25

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» бекати. Телефон: (3712) 96-63-21, 191-93-82.

«Ўзсаноатқурилишбанк»ка
олий маълумотли
ҳуқуқшунослар
ДОИМИЙ
ишга таклиф этилади
Мурожаат учун манзил:
Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй
(Мўлжал:
«Главпочтамт» ёнида.)
136-05-92,
136-77-55,
133-34-26.

Қурилиш компанияси (импортер) қуйидаги лавозимларга танлов асосида ишга қабул
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
- *Қурилиш бўйича тажрибали бўлган директор муовини.*
- *Офис-менежер*
- *Маҳсулотларни ўтказиш бўйича олий маълумотли бош менежер*
- *Кадрлар билан ишлаш бўйича тажрибали мутахассис.*

2,3, ва 4-бўлимдаги лавозимлар учун чет тилини (инглиз ёки немис) билиш ва компьютерда иш юрита олиш шарт.
Манзил: Тошкент ш., 700000, Х. Олимжон майдони, 10-«А» уй. Соат 9 дан 17 гача, шанба ва якшанбадан ташқари қабул қилинади.
Телефонлар: (371) 137-12-62, 137-23-04,
Факс: (371) 137-12-70.

, «Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими меҳнат фахрийси Неъмат Ёқубовга ўғли
Даврон ЁҚУБОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф БЕКМУРОДОВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА